



IMPROVEMENT OF BUSINESS PROCESSES IN THE DIGITAL ECONOMY

Kamoldin Abdukholikov¹

ATB "Sanoatqurilishbank" Yashnabad branch

KEYWORDS

Digital economy, digital technologies, business, e-government, e-management, telecommunications

ABSTRACT

Today's world requires radical changes in business. Goods and services that were in demand yesterday remain irrelevant today. Saturated market, high competition, customer demands create the need for digitization and digital transformation of business. The introduction of new technologies is a step towards the future that is coming today. Naturally, the development of each country and ensuring its competitiveness is evaluated by the extent to which modern information-communication and "digital" technologies are introduced into all aspects of society and state life.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: **10.5281/zenodo.10650605**

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Employee of ATB "Sanoatqurilishbank" Yashnabad branch, Tashkent, Uzbekistan

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

KALIT SO‘ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

Рақамли иқтисодиёт,
рақамли технологиялар,
бизнес, электрон ҳукумат,
электрон бошқарув,
телекоммуникация

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Бугунги дунё бизнесда туб ўзгаришларни талаб қилмоқда. Кечаги кунда талабга эга бўлган товар ва хизматлар бугунги кунда аҳамиятсиз бўлиб қолмоқда. Тўйинган бозор, юқори рақобат, мижозлар талаблари бизнесни рақамлаштириш, рақамли трансформациясига бўлган заруратини юзага келтирмоқда. Янги технологияларни жорий этиш бугун кириб келаётган келажакка қадамдир.

Табиийки ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация ва «рақамли» технологиялар жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик жорий этилгани билан баҳолананади.

Кириш. Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохатлар доирасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган [1].

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага чиқарди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “интернет”, “веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда.

Адабиётлар таҳлили.

Бизнеснинг рақамлаштириш янги технологияларни қўллаш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган. Бироз олдин бизнес

соҳасига ижтимоий тармоқларнинг жорий этилишини инқилоб деб аташ мумкин эди. Бугун эса бу етарли эмас бўлиб қолди. Компаниялар такомиллаштириш ва ривожланиш учун замонавий технологияларга муҳтож.

«Рақамли трансформация - бу компаниянинг бизнес жараёнларига янги технологияларни жорий этиш усули бўлиб, унда рақамли технологияларидан бизнес фаолиятини ўзгартириш ва яхшилаш учун фойдаланилади. Бунинг ҳисобига унинг миқёси кенгайиб, янада самарали ва даромадлироқ бўлади.

Рақамли иқтисодиёт - бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Бугунги кунда фуқароларимиз тез тайёр бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам буюртма бериш учун телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бораётган аҳамияти далолати 100 йил ичида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва анъанавий маҳсулотларнинг вазнини эмас, балки виртуал маҳсулотлар улушининг ЯИМдаги улуши туфайли 20 баробар кўпроқ ўсишига олиб келади. «Рақамли иқтисод» тушунчаси муаллифларидан бири Н.Негропонтте[2] мазкур тушунча тўғрисидаги қуйидагиларни таъкидлайди. Интернет бор жойда иқтисодиёт ривожланади ҳамда саноат корхоналари интернет тезлиги юқори бўлган шаҳарларга интилади. «Рақамли иқтисодиёт» (Digital Economy) бўйича умумлашган ягона тушунча мавжуд эмас, лекин кўплаб таърифлар мавжуд.

М.Л.Калужскийнинг таърифига кўра, «Рақамли иқтисодиёт – бу интернетдаги иқтисодий фаолиятнинг алоқа муҳитини, шунингдек, уни амалга оширишнинг шакллари, усуллари, воситалари ва натижаларини англатади[3].

Рақамли иқтисодиёт тушунчасининг икки ёндашуви мавжуд:

Классик ёндашув: Рақамли иқтисодиёт – бу рақамли технологияларга асосланган иқтисод бўлиб, айти пайтда фақатгина электрон маҳсулотлар ва хизматлар соҳасини тавсифлайди. Классик мисолларга теле-тиббиёт, масофавий таълим, медиа контентини сотишни келтириш мумкин (кино, телевизор, китоблар ва бошқалар).

Замонавий ёндашув: Рақамли иқтисодиёт – рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир. «Фалсафий жиҳатдан бу атама жуда кенг тавсифланади: «рақамли иқтисодиёт бизнинг ҳақиқатимизни тўлдирувчи виртуал муҳитдир» [4]

Рақамлаштиришни жорий этиш нега муҳим?

Бугунги кунда кўпгина ташкилот раҳбарлари ва тадбиркорлар ўз бизнесини ўзгартириш зарурати пайдо бўлганлигини англаб етмоқдалар. Улар умумжаҳон рақамлаштириш концепсиясига қарши курашиш бефойдалигини – буни қабул қилиш

кераклигини ва компаниялар уни қандай қилиб жорий этиш мумкинлигини тушунишлари керак. Бу жаҳон иқтисодиётида янги технологик юксалиш амалга оширишга ёрдам берадиган энг муҳим йўналишлардан биридир. Ўз бизнесининг рақамли трансформатсиясини бугун бошламаган компаниялар самарасиз бўлади ва янги бозор ҳақиқатлари ва эртанги куннинг янада прагматик “рақамли” рақобатчилари босими остида шунчаки йўқ бўлиб кетади.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ рақамли хизматларни экспорт қилмоқда.

Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғи бевосита интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан кўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобил саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда. Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Қўшма Штатлари ва Хитой хиссасига тўғри келади.

“Рақамли Ўзбекистон-2030” Миллий стратегияси кенг кўламли бўлиб, бутун республика ҳудудларида иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштиришга қаратилган. Рақамли ривожланиш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тизимлилик ҳамда мослашувчанлик талаб этилади. Республика ҳудудлари ривожланганлик даражаси ва аҳолининг зичлиги билан фарқ қилади, ушбу омиллар кўп ҳолларда инobatга олинмай қолмоқда(1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили²

Кучли томонлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Мамлакат ҳудудларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида давлат сиёсатини амалга оширилиши 2. Рақамли инновацияларни ривожлантиришда бу соҳадаги тадбиркорлар учун имтиёزلарнинг мавжудлиги 3. Электрон пуллардан фойдаланиш тартибининг мавжудлиги 4. Электрон рақамли имзо, онлайн давлат харидлари, электрон ҳужжатлар алмашинуви, Электрон ҳукумат тизимининг мавжудлиги. 5. Асосий алоқа операторлари, IT-компаниялар, технопаркларлар сони ошиб бориши
Заиф томонлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Амалдаги норматив-ҳуқуқий база рақамли ривожланишнинг янги тенденцияларини ва бизнес эҳтиёжларни акс эттирмайди 2. Аҳолининг, айниқса, чекка ва қишлоқ жойларида ҳамда мактабларда кенг поласали Интернетга уланиш имконияти чекланган 3. Рақамли трансформация дастурлари ва лойиҳаларини барқарор молиялаштириш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги 4. Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда янги эҳтиёжларни тизимли равишда ўрганиш механизмлари ишлаб чиқилмаган 5. Бизнес сектор билан ҳамкорлик суст ўрнатилганлиги 6. Аҳолининг рақамли саводхонлигининг паст даражада эканлиги 7. Рақамли иқтисодиёт соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур малакага эга мутахассисларнинг етишмаслиги
Имкониятлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Жаҳон бозорида рақамли иқтисодиёт маҳсулот ва хизматларига бўлган талабнинг ўсиши 2. Аутсорсинг асосида хорижий корхоналар билан ишлаш имкониятларининг мавжудлиги 3. Жаҳонда коронавирус пандемияси натижасида юзага келган шароит
Таҳдидлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Мамлакатда киберхафвсизлик вазифаларини мураккаблаштириши мумкин бўлган кибертаҳдидлар ва кибержиноятчиликнинг кўпайиши 2. Ривожланган мамлакатлар билан рақамли тафовутнинг ошиб бориши.

Рақамли иқтисодиёт ахборот технология соҳасига асосланган, аммо рақамли иқтисодиётнинг чегаралари у билан чекланмаган ва янги пайдо бўлаётган рақамли бизнес моделларини қамраб олган. Бизнинг таърифимиз бошқалардан фарқ қилади,

² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари органлари билан суҳбат натижалари асосида тузилган.

чунки иқтисодиётда рақамли технологияларни қўллаш соҳасини "рақамли" иқтисодиётнинг ўзидан алоҳида кўриб чиқамиз ва уни кенгроқ "рақамлаштирилган" иқтисодиёт доирасига киритамиз. Рақамли платформаларни ривожлантиришда ахборотлаштиришнинг умумий тенденцияси гибрид булутни жорий турли дастурларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг глобал тенденцияларига мос келади, бу эса шаклланишига ҳисса қўшадиган янги технологик тартибга ўтишнинг кенг қўламини акс эттиради. ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган рақамли платформаларга асосланган янги иқтисодиёт.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда учрайдиган асосий муаммо ва уларнинг ечими³

Асосий муаммолар	Муаммони ечиш йўналишлари
Чекка худудларда кафолатланган, узлуксиз, сифатли электор токи ва интернет тармоқларининг мавжуд эмаслиги	Давлатнинг фаол кўмаги ва бу соҳага хусусий сектор улушини ошириш лозим. Кафолатланган узлуксиз ва сифатли интернетни яратилиши чекка худудларда ҳам иш ўринларини яратилишига хизмат қилади ва бутун мамлакат бўйлаб рақамли тизимдан фойдаланиш мумкин бўлади.
Интернет тезлиги ва сифатининг пастлиги	Бу соҳада давлатнинг фаол кўмаги ва назорати; Давлат томонидан банк-молия сектори ва реал сектор корхоналари фаолиятини электрон савдо орқали ривожлантиришга хизмат қиладиган турли имтиёзлар бериш
АКТ қурилмалари ва смартфон қурилмаларининг қиммат эканлиги	Бу эса, барча аҳоли қатламларини уларни сотиб олиш ёки фойдаланиш имкониятини чеклайди. Мамлакатда АКТ қурилмаларини ва смартфон телефонларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўпайтириш орқали улар ўртасида рақобатни шакллантириш
Мамлакатимизда соҳа мутахасисларининг етишмаслиги	Ўзбекистондаги барча соҳаларда рақамли иқтисодиётнинг улушини ошириш мақсадида бу соҳа мутахасислари бўлган дастурчиларни тайёрлаш тизимини сифатини ошириш
Кенг аҳоли қатламининг билим ва кўникмаси рақамли тизимда ишлаш учун етарли эмаслиги	Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида е-тест, е-имтиҳон, е-таълим тизимини жорий этиш. Талабаларга рақамли технлдлгиялардан фойдаланиш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш.

³ Муаллиф ишланмаси.

<p>Off-line тизимида ишлайдиган дастурлар сонининг санокчилиги</p>	<p>Дастурларнинг аксарият қисми on-line тизимидаги дастурлардир. On-line тизимидаги дастурлар интернетни кўп сарф қилиши туфайли, мижозларнинг аксарият қисми ушбу дастурлардан чекланган миқдорда фойдаланишади. On-line тизимидаги дастурлардан кўпроқ фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида Wi-Fi худудларни кенгайтиришни таклиф этамиз.</p>
<p>Рақамли иқтисодиёт инфратузилмасининг ривожланмаганлиги. Рақобатбардошликнинг пастлиги</p>	<p>Мамлакатимизда интернет провайдерлари ҳам, дастурий таъминот компаниялари ҳам санокли. Уларнинг тақдим этаётган хизматлари ва уларнинг нархлари ҳам бир-бирига жуда яқин. Фойдаланувчилар сони кўп бўлмаганидан кейин таклиф этувчиларнинг ҳам маҳсулотлари хилма-хил бўлмайди. Шу сабабли, бу соҳада рақобатни кучайтириш лозим.</p>
<p>Алоқа стандартларининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги</p>	<p>Алоқа тизими дастурлари ва воситаларининг аксарият қисми стандартларга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Албатта, бунга асосий сабаб алоқа тизими дастурлари ва воситаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси стандартлари тўлиқ шакллантирилмаганидир. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида дастурий таъминот соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.</p>

Хулоса. Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнесни рақамлаштиришга ўтишда, аввало, ўзимизда такомиллаштирилган узлуксиз сифатли хизмат кўрсатадиган инфраструктура, ахборот технологиялари ва малакали кадрлар, сифатли давлат хизматлари ва ташқи иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини самарали йўлга қўйишлигини таъминлаш талаб этилади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиётни амалга оширишнинг аниқланган механизми келажак учун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги ноаниқликни бартараф этиш учун янги асос яратади, хусусан, янада фаол инновацион тадбиркорлик орқали ўз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. – NY: Knopf, 1995. – 256 p.
3. Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин [Электронный ресурс]. – Режим доступа:<https://ria.ru/science/20170616/1496663946.html>.
4. Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин [Электронный ресурс]. – Режим доступа:<https://ria.ru/science/20170616/1496663946.html>.

